

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«РҮЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»



«Ravnaq-bank»  
акциядорлик жамияти

Кузатув кенгаши раиси  
Пулатов Ш.А.

22 май 2023 йил

23 -сон



Ўзбекистон Республикаси

Иктисолиёт ва молия вазирлиги

Вазир ўринбосари  
Рахимова Г.Х.

P0356-15-сон  
М.ў.

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА  
ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
ҚАРОР

«Ravnaq-bank» акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди: R U 1 1 5 P 0 3 5 6 R 8

Эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги акциялар – 100 000 000 (юз миллион) дона.

Хар бир акциянинг номинал қиймати – 1 000 (бир минг) сўм.

Акцияларнинг ушбу чиқарилуви очик обуна йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ўн бешинчи чиқарилишdir.

Тасдиқланган: Кузатув кенгашининг 2023 йил 22 майдаги Қарори 23 -сон баённомаси

Кузатув Кенгашининг 2023 йил 22 майдаги Қарори 23 -сон Баённомаси асосида

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили:

100021, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2 уй.

Телефон: (998 71) 202-33-33, факс: (998 71) 202-44-44.

Электрон почта манзили: [info@ravnaqbank.uz](mailto:info@ravnaqbank.uz)


Расмий веб-сайти: [www.ravnaqbank.uz](http://www.ravnaqbank.uz)

Бошқарув Раиси

Турсунов Искандар Бахтинурович

Бош бухгалтер

Асатова Нодира Ақаидиновна



Сана: 22 май 2023 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 000 (бир минг) сўм**.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **100 000 000 (юз миллион) дона**.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **100 000 000 000 (юз миллиард) сўм**.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳукуклари: **банк акциядорларининг ҳукуклари қўйидагилардан иборат**:
  - банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
  - депо ҳисобварагидан ўзига тааллуқли қўчирма олиш;
  - банк фойдасининг бир қисмини дивиденdlар тарзида олиш;
  - банк тутатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
  - банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва уларнинг нархлари тўғрисида маълумотлар олиш;
  - банкни бошқаришда иштирок этиш, шу жумладан Акциядорлар умумий йигилишида ўзи ёки вакиллари орқали иштирок этиш ва овоз бериш, банкнинг сайланадиган лавозимларига сайлаш ва сайланиш;
  - банк уставига мувофиқ банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш, банк сири ҳисобланган маълумотлар бундан мустасно;
  - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкдан унга тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилиш;
  - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш юзасидан ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳукукларини ҳимоя қилиш;
  - ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
  - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
  - банк акцияларини сотиб олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш ҳукуқига эга.
- Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги дъаво аризасини судда кўриб чиқиши чоғида Банкдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.
- Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва банк Уставида назарда тутилган бошқа ҳукукларга ҳам эга бўладилар.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан банк уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан банк уставида чекловлар мавжуд эмас**.  
Амалдаги қонунчилик талабларига кўра банк акцияларини сотиб олишга доир қўйидаги чекловлар мавжуд:

- устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоиздан ортиғи давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас.

- жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

- норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

- имтиёзли солик режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор қилиш ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этиш назарда тутилмайдиган давлатда ёки худудда рўйхатга олинган юридик шахслар ва шундай давлатда ёки худудда яшайдиган жисмоний шахслар банкнинг муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас (бундан чет эл фонд бозорларида банк акцияларини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар мустасно).

8. Банк устав капиталининг миқдори (сўм): **100 000 000 000 (юз миллиард) сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган, 100 000 000 (юз миллион) дона хужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.**

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва қўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Банк томонидан илгари облигациялар муомалага чиқарилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпик обуна): Ушбу чиқарилишдаги акциялар банк акциядорларига мазкур чиқарилишдаги акцияларни имтиёзли олиш хуқуқини тақдим қилган ҳолда очиқ обуна орқали жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Акцияларни жойлаштириш муддати – ушбу акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар ва имтиёзли хуқуқнинг амал қилиш муддати билдиришномаси қонун хужжатларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан кейинги 15-(ўн бешинчи) кун.

Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк хисоб операциялари учун дам олиш қунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш ушбу кунлардан кейин келадиган биринчи иш кунида бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишдаги сўнгги акция жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар чиқарилиши қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича

ваколатли давлат органи томонидан рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзларига тегишли шу турдаги акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳукуқига эга бўладилар.

Имтиёзли сотиб ҳукуқининг амал қилиш муддати билдиришнома белгиланган тартибда эълон қилинган пайтдан эътиборан 14 (үн тўрт) кун давомида амал қиласди. Акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳукуки орқали жойлаштирилаётганда акциядорлар билан биржадан ташқари уюшмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик – ҳукуқий битим тузилиши мумкин.

Акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳукуқининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, жойлаштирилмаган акциялар очиқ обуна орқали чекланмаган инвесторлар орасида «Тошкент» Республика фонд биржасида жойлаштирилади. «Тошкент» Республика фонд биржасида жойлаштириш бўйича битимлар, ушбу биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳукуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳукуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефоны:

**Марказий депозитарий хақида маълумот:**

Номи – «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси.

Жойлашган жойи ва почта манзили - 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улубек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй, 2-қават.

Телефон – 71 267-37-42, (998 71) 267-35-92.

**Қимматли қоғозлар эгалари ҳукуқларини ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:**

Телефон – 71 267-37-42, (998 71) 267-35-92.

Номи – «Finance Invest Brok» масъулияти чекланган жамияти.

Жойлашган жойи ва почта манзили – 100021, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси 25А уй.

Телефон – (998 90) 357-79-55.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳукуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга имтиёзли ҳукукка эга бўлган акциядорлар рўйхати акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳукук акциядорлар томонидан ўзларига тегишли бўлган оддий акциялар сонига мутаносиб равишда амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичida акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳукуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Имтиёзли ҳукуқининг амал қилиш муддати имтиёзли ҳукуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида оммавий ахборот воситаларида билдириш эълон қилинган

пайтдан эътиборан 14 (үн тўрт) календарь кунни ташкил этади. Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу хуқуки амал қиласидаги муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Имтиёзли хуқуқса эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг иеми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги хужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли хуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли хуқуқнинг амал қилиш муддати ичida банкка тақдим этилиши керак.

Имтиёзли хуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли хуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли хуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган баҳода жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акцияларни жойлаштиришда акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

Акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш хуқуқи амал қилиш даврида тўловлар юридик шахслар учун нақдиз шаклида - пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк қассасига топшириш йўли билан ва нақдиз шаклда – талаб қилгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади. Бунда акциялар учун пул маблағлари «Ravnaq-bank» АЖ Амалиёт бошқармасининг қўйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади: х/р 29801000100000980002, МФО 00980, СТИР 203644820, Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, 2 уй.

Акциялар учун келиб тушган пул маблағлари «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараглари режаси»га (Адлия вазирлигига 2021 йил 26 ноябрдаги 3336-сон билан рўйхатга олинган) асосан 30318-«Чиқарилган устав капитали –Оддий» ҳисобварагида ҳар бир акциядор учун алоҳида очилган шахсий ҳисобваракларда олиб борилади.

«Тошкент» Республика фонди биржаси орқали амалга ошириладиган одди-сотди битимлари бўйича ҳисоб-китоб тартиби ва муддатлари ушбу биржанинг савдо қонидаларига ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувоффик амалга оширилади.

Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичida тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда ушбу зилат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Акциялар учун тўланган маблағлар инвесторнинг аризасидаги

кўрсатилган банкдаги хисобварағига 10 (үн) кун давомида қонунчиликда белгиланган тартибда қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ ошкор килиш тартиби:

Банк томонидан акцияларнинг ушбу қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор килинади. Жумладан ахборот қўйидаги манзиллар – «Ravnaq-bank» АЖ расмий веб-сайти ([www.ravnaqbank.uz](http://www.ravnaqbank.uz)), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайти ([www.uzse.uz](http://www.uzse.uz)) ва корпоратив ахборот ягона портали ([www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz)) орқали ошкор қилинади.

Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи ва қўшимча акциялар тўғрисидаги қарорнинг нусхалари ва асл нусхаси билан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Фурқат кўчаси 2-йида жойлашган «Ravnaq-bank» АЖ бош офисида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

13.1. Рўйхатдан ўтказувчи органинг номи, эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами:

**Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2001 йил 23 июнда №70 – сон билан рўйхатдан ўтказилган.**

13.2. Эмитент асосий фаолият тури – **банк хизматлари қўрсатиш.**

13.3. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

Корхонанинг хос рақами КТУТ (ОКПО) – 17763498;

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури (ОКЭД) – 96120;

МШТ бўйича мулкчилик шакли (КФС) – 144;

Манзили бўйича МНОБТ тўлиқ хос рақами (СОАТО) – 1726277;

ТХШ бўйича ташкилий-хукуқий шакли – (КОПФ) – 1150

13.4. Эмитент солик органининг номи ва СТИР – Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани давлат солик инспекцияси, СТИР: 203644820.

Ракамланган ва тикилган

6 (САБУН) варакла

Бошкарув Раиса

Турсунов И.Б.

Бош бухгалтер

Асатова Н.А.

